



ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР — МИЛЛАТ ИФТИХОРИ, МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ!



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Жорий йилнинг 7-15 июль кунлари Шри-Ланкада мактаб ўқувчилари ўртасида шохмотнинг блиц, рапид ва стандарт йўналишлари бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Турнирда ҳамюртларимиз 16 та олтин, 11 та кумуш ва 6 та бронза медалига сазовор бўлдилар.

Жамоа ҳисобида 1-ўринга кўтарилган ёш шохмотчиларимиз 2019 йили Тунисда бўладиган жаҳон чемпионатида 7 та йўлланмани ҳам қўлга киритди.

Пойтахтимизда Осиё чемпионатининг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

РЕКТОРЛАР МУРОЖААТИ: АБИТУРЕНТЛАР, ЎЗ БИЛИМИНГИЗГА ИШОНИНГ!

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессияси «Қабул — 2018: шаффофлик, ҳалоллик, адолат мезонлари ва инновацион ёндашув» мавзусида ўтказилди. Видеоселектор тарзида ўтган сессияда олий ўқув юртига қабул жараёни ва тест имтиҳонларига тайёргарлик ишлари таҳлил қилинди.

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси раҳбарияти, олий таълим муассасалари ректорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги олий таълим муассасалари ректорлари ва масъул ходимлари жойлардаги студиялар орқали боғланишди.

2018/2019 ўқув йилида бакалаврлар учун умумий квота 69 минг 200 тани ташкил этади. Шундан давлат грантлари учун — 17 минг 654, тўлов-контрактга эса — 51 546 та жой ажратилди. Магистратура босқичида 5 минг 903 нафар, давлат грантига 1 минг 552 нафар ва тўлов-контракт асосида 4 минг 351 нафар талаба қабул қилинади.

ОТМларнинг сиртки ва кечки таълим бўлимларида ўқитиш қиймати тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича кундузги ўқитиш шакли қийматидан кам бўлмаган микдорда белгиланади. Республика бўйича жами 60 та олий таълим муассасаси ва уларнинг 19 та филиалига 675 минг 49 нафар абитуриент ҳужжат топширди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш ва касбий (ижодий) имтиҳон жараёнларини юқори савияда, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига қулайлик яратган ҳолда адолатли ва шаффоф ташкил этиш мақсадида қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, бакалавриятта тест синовларисиз касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали ўқишга қабул қилиш бўйича тасдиқланган таълим йўналишлари учун кириш имтиҳонлари жорий йилнинг 25 июлидан 10 августигача бўлган даврда олий таълим муассасаларида ўтказилиши белгиланди.

Иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишлари бўйича касбий (ижодий) имтиҳонлар адолатли ва шаффоф ўтказилишини таъминлаш мақсадида жорий йилда илк марта олий таълим муассасаларида қилинган таълим йўналиши ҳокимликлар кенгашларига сайланган депутатлар ҳамда абитуриентларнинг ота-оналари иштирокида жамоатчилик назорати ўрнатилди.

Шунингдек, сессияда Ўзбекистон олий таълим даргоҳлари тарихида биринчи марта Ректорларнинг Муурожаати ҳавола этилди ва қабул қилинди.

Матнда абитуриентларнинг ўз билимига ишонини лозимлиги қайд этилган: «Кўряписки, ёшларнинг илм-фан ва касб-хунар сирларини эгаллашлари учун юртимизда барча шарт-шароитлар муҳайё қилиб берилмоқда. Бугун ўзингиз учун касб танлаб, ўқишга киришга аҳд қилдингизми, ўз билимингизга, ақл-заковатингизга ва силарга шу шароитларни яратиб берган Президент ишончи муносиб бўлинг ва муносиб иш қилинг. Кириш имтиҳонларига, тест синовларига пухта тайёргарлик қўриб, бу имтиҳонлардан ўз билимингиз билан ўтишга бел боғланг».

Шунингдек, ота-оналар ҳам ҳалолликка чақирилди. «Афсуски, товламачилар ва фирибгарларнинг дунёқараши ўзгармапти. Улар ҳамон эскича ўй-хаёлларда, мўмай ва қинғир йўллар билан даромад топиш илминда юрибди. Уларнинг тузюнга иланиб қолманг», дейилди муурожаатда. Халқимизда «қарс икки қўлдан чиқади» деган нақл бор. «Коррупция тўғрисида»ги қонуннинг тегишли бандларига қўра пора берган ҳам, пора олган ҳам қонун олдида тенг жавобгар саналади ва муқаррар жазага тортилади. Фарзандингизга ёрдам берман десангиз, ноўрин ва пинҳона хатти-харакатларга йўл қўйманг! Бу йўлдаги ноҳўя қадим билингни, қун ўтиб бир кун болангиз келажаги учун қаттиқ зарба бўлиши мумкин.

Тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олий таълим муассасалари раҳбарлари қабул жараёнлари, Ректорларнинг Муурожаати бўйича ўз муносабатларини билдирди.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА мухбири.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР КУЧИ

аввало, етакчилари кимлигига боғлиқ

Сиёсий партиялар ва парламент палаталари вакиллари билан видеоселектор йиғилиши ўтказилганига яқинда бир йил бўлди. Мамлакатимизда қатор оммавий ахборот воситалари бунга алоҳида эътибор қаратди, уларда асосан битта савол қўйилди: Президент мамлакатда катта ўзгориш ва ислохотлар бошланганини таъкидлаб, парламент аъзолари, сиёсий партиялар етакчиларини сидқидилдан хизмат қилишга, эл ишончини оқлашга, уйғонишга чақирди, парламентнинг том маънодаги таъсир кучини ошириш бўйича таклиф-тавсиялар берилди, шу асосда муҳим вазифалар белгиланди. Бир йил ичида нималар ўзгарди?..

Бу саволга парламент, депутатлар фаолияти мисолида жавоб излайдиган бўлсак, муайян ўзгаришлар бўлаётганини таъкидлаш керак. Парламент аъзолари ҳар ой 10-12 кун давомида ҳудудларда бўлиб, ҳақиқий ҳолатни ўрганишти, қонун лойиҳалари муҳокамаларида ҳарорат оша бошлади, «ҳукумат соати» йўлга қўйилди, парламент эшитувларида ўткирроқ мунозаралар кузатиляпти...

Бироқ видеоселектор йиғилиши ва ўтган йил декабрь ойидаги Президент Муурожаатномасидан кейин сиёсий партиялар, депутатлар фаолиятида вазият тубдан ўзгарди, деб айта оламизми?.. Бу саволга жавоб бериш қийин.

► Давоми 2-бетда.

«ЎЗБЕКISTON OVOZI»НИ ҲАР ДОИМ ЎҚИЙ ОЛМАЙМИЗ

Самарқанд вилояти, Нарпай тумани 2-Зоири ота ва «Чорбоғ» маҳаллаларида яшовчи Саёҳат ва Мўътабар Бўнонавалар томонидан АРИЗА

Ҳозирги пайтда оммавий ахборот воситаларининг тури кўпайиб кетди. Хусусий газета-журналлар, радио-телевидениелар, Интернет нашрлари, ҳатто ўшаларсиз ҳам телефонингизга уланган интернетга кирсангиз бўлди — дунёда рўй бераётган барча янгиликлардан хабардор бўласиз.

Лекин илгари отам кўп йиллар мобайнида обуна бўлиб келганими, ҳозиргача «Ўзбекистон овози» газетасига кўзимиз тушганида, юрагимиз «жиз» этиб кетади. Афсуски, ҳозирги пайтда баъзи жойларда почта-алоқа хизматидаги оқсашлар туфайли газета вақтида олинмайди. Натижада унинг тезкор ахборот етказиб бериш хусусияти сўмга нисбатан қийдаги қийматини белгилади.

Илгари газеталарга обуна бўлишининг

имконияти бўлмаган тақдирда уни «киоск»лардан сотиб олиш мумкин эди. Ҳозир эса бунинг ҳам илоҳи йўқ. Чунки биринчидан, газета дўконлари қисқариб кетган, иккинчидан, бор бўлган тақдирда ҳам уларда асосан хусусий газеталар бўлади.

Масалан, туман марказидаги газета сотади дўкондан «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи» газеталарини сўраб бир неча марта бордим. Сотувчининг айтишича, бу газеталарни олмас экан. Мен бундан хайрон бўлдим.

Радио ёки телевидениеда берилган хабар, кўрсатуви биров эшитиш ва кўришга ё улгуради, ёки йўқ. Газетани эса хоҳлаган пайтда қайта-қайта ўқишимиз, мақолаларни мутолаа қилишимиз мумкин. Шунинг учун туманимиз марказидаги газета киоскаларида бошқа газеталар қатори «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи» газеталари ҳам бўлишини истар эдик...



ТАХРИРИЯТДАН:

Кейинги пайтларда туманлар марказларидаги газета дўконларининг ишламаслиги ёки уларда ижтимоий-сиёсий газеталар сотилмаслиги тўғрисидаги эътирозлар кўпайиб бормоқда.

Самарқанд вилояти туманларида ҳам газета дўконлари иши тартибга солинмаса, аҳвол янада оғирлашиб боравериши таъин. Бугун инновацион гоёлар билан яшаш ва ишлаш талаб этилмоқда. Матбуот тарқатувчи ташкилотлари тизимида ҳам замонага мос янги иш усулларини йўлга қўйиш, талабни ҳам ошириш керакка ўхшайди. Юқоридаги ариза бўйича эса Самарқанд вилояти матбуот тарқатиш идораси мутасаддиларининг муносабатини кутамиз.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БИР ЙИЛДА 638 ТА КЎП ҚАВАТЛИ УЙ ҚУРИЛАДИ

Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг барча шаҳарларида турар-жойга муҳтож оилалар учун арзон ва ҳар томонлама қулай уй-жойлар қуриш бошланди. Жумладан, Тошкент шаҳрининг Сергели туманида ўтган йили 102 та кўп қаватли арзон уйлар қурилиб, 4 минг 88 та оила ўз уйига эга бўлди.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида 28 минг хонадонли 638 та кўп қаватли уйлар қурилмоқда. Уларнинг 334 таси арзон уй-жойлар бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 3 баробар кўпдир.

Жумладан, Сергели тумани «Чоштепа» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида чет эллик инвесторлар иштирокида 72 та 7 қаватли уй қурилиши бошланган.

Давлатимиз раҳбари уйлар қуришнинг замонавий ютуқларини ўзлаштириш, бундай уйларни бошқа жойларда ҳам лойиҳалаштириш бўйича топшириқлар берди.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 24 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийдаги қийматини белгилади.*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

1 АКШ доллари 7789,38

1 Англия фунт стерлинги 10229,01

1 Жанубий Корея вони 6,91

1 Канада доллари 5924,83

1 Швейцария франки 7849,03

1 Миср фунти 436,38

1 ЕВРО 9127,60

1 Россия рубли 122,82

1 Япония иенаси 69,93

1 Хитой юани 1151,27

1 БАА дирҳами 2120,83

1 Австралия доллари 5780,50

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР КУЧИ аввало, етакчилари кимлигига боғлиқ

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

МИРОБОДАДА САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛДИ

ЎзХДП Тошкент шаҳар ҳамда Миробода туман кенгашлари ҳамкорлигида сайёр қабул ўтказилди.

— Юқори Чирчиқ тумани «Янги бозор» маҳалласига келин бўлиб тушганимга 8 йилдан ошди, — дейди **Дилдора Норбоева**. — Шу вақт оралиғида тинч ҳаёт кечирмадик. Фарзандим туғилди, эрим руҳий касалликлар шифохонасида рўйхатида туриши маълум бўлди. Тўйдан олдин буни биздан яширишган экан. Уч йилдан буён ота-онам билан яшаётман. Яқинда маҳаллагадилар яраштиришга ҳаракат қилишди. Мен ҳам оиламни сақлаб қолиш учун кўп бора уриндим. Аммо бўлмайдигани барибир бўлмас экан. Ажралишга ариза берганман. Лекин турмуш ўртоғим ажралишни ҳам, алимент тўлашни ҳам рад этяпти. Очиғи, нима қилишга бошим қотган. Ёлғиз, уй-жойга муҳтож аёлларни уй билан таъминлаш борасида қарор чиққанини эшитдим. Мен ҳам шу уйлardan бирини олиш учун навбатга ёзилмас бўладими? Ажралиш жараёнини тезлаштиришнинг қандай йўл-йўриқлари бор?



— Ҳақиқатан ҳам, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган оналарга арзон уй-жой бериш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган, — деди халқ депутатлари Миробод туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси **Аваз Каримов**. — Унга кўра, комиссия томонидан аризини кўриб чиқиш, уй-жойга муҳтож хотин-қизларни аниқлашга маълум бир мезонлар белгиланган. Бунда ариза берувчининг мулк ҳуқуқи асосида турар жойнинг йўқлиги ёки ижарада, яроқсиз хонадонда яшаши, бошқа оилалар билан бирга бир уйда истикомат қилиши, кўп болалиқ, ариза берувчи оиласининг даромади ҳисобга олинади. Хуллас, бу уйдан олишингиз учун маълум бир ҳужжатларни йиғиб, сиз талабгор сифатида ёзма тавсияни олиш учун комиссия раисига доимий яшаш жойи бўйича сўровнома-ариза ва бошқа ҳужжатларни тақдим этишингиз керак бўлади. Бу жараёнда ўзим сезсизга яқиндан кўмак бераман ва қўлимиздан келган барча ишни қиламиз.

— Шу ўринда бир масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман, — дейди депутат мулоқотдан сўнг биз билан суҳбатда. — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан жойларда бўлганимизда уй бериш масаласида маъсулиятсизлик билан ёндашилётган ҳолатларни ҳам аниқладик. Бу жараёнда ўрганишларни давом эттиряймиз. Ўз ишига виждонсизлик билан ёндашганлар, албатта, жазосини олиши керак.

Сайёр қабул давомида «Мироншох» кўчасида истиқомат қилаётган **Муқаддас Турсунбоева** доимий иш ўрнига эга эмаслигини билдирди. Унга касаначилик фаолиятини бошлаш учун йўл-йўриқ кўрсатилди.

Шунингдек, **Ҳалима Лақимова** савдо шохобчасидан ҳовлисига сув оқиб қираётганини, тегишли ташиқлотларга қилаётган мувожаатлари бесамаар кетаётганини билдирди. Ёнгарчилик вақтида эса дўконнинг томондан тушаётган сувни бошқариб бўлмастлигини таъкидлашди. Депутат вақтдан унумли фойдаланиб, савдо шохобчаси томон йўл олди. Мутасаддилар билан суҳбатлашиб, масалага оидлиқ киритилиши ва ижобий томонга ҳал этиш учун мuddат белгиланди.

Барча мувожаатлар партия ходимлари томонидан ёзиб олинди. Тегишли ташиқлотлар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиянинг фракциясига тақлифлар киритилди.

Махлиё АЛИҚУЛОВА,
Ўзбекистон овози мухбири.

қийналмайди?.. Энг муҳими, унинг олғиси келадими?

Сафдошлари қўллаб-қувватлашни ҳис этган етакчилар журъдли ва қатъиятли бўлади, жамиятдаги муаммоларни ҳал қилиш, партиялар ҳамда парламентнинг таъсирини кучайтириш бўйича янги-янги ташаббусларни олиб чиқа олади.

Минглаб аъзолар, миллионлаб хайрихоҳларнинг мададини сезган, бундан ич-ичидан юксак қадрлаган инсонгина ҳақиқий етакчи бўлади. Нотабиий ҳолатда етакчиликка келганлар эса кўпроқ эҳтиёткорлик ҳақида ўйлаши ва бу бутун партия ташкилотига фаолиятга сақбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳар ҳолда, бундай эҳтимолни инкор этиш қийин.

Сиёсий партиялар ташкилотлари, депутатлик бирлашмаларида ҳақиқий ташаббускорлик, гоё ва дастурлар учун жонкуярлик, мақсад йўлида қаттиқ жипслашиш хусусияти етишмаслигининг сабабларидан бири эҳтимол шу масала билан боғлиқдир?.. Видеоселектор йиғилишида ҳозирги вақтда сиёсий партияларнинг бошқарув аппаратларида ишчанлик муҳити деярли кўзга ташланмаётгани таъкидланган эди. Бундай ҳулоса ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, албатта.

Партиялар етакчилари қандай фаол бўлишни ривожланган давлатлардаги сиёсий жараёнлар мисолида кўраёмиз. Партиялар етакчиларини сайловчиларку майли, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ҳам яхши танийди, чунки улар оммавий ахборот воситаларида тез-тез баҳс-мунозараларда қатнашади, илгари сураётган гоёси, нимага интилишни юқори ишонч билан тушунира олади. У ёки бу масалада тахлийий маълумотга, мустақил фикрга, аниқ тақлифларга эга бўлади.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

жамоатчилик катта қизиқиш билдирган тақлифларини нега сиёсий партиялар расмий равишда қўллаб-қувватлаётгани сезилмайти?..

Учинчидан, нега сиёсий партиялар фракциялари жамиятда оғрикли бўлиб турган, одамларни қийнаётган масалаларни ҳал қилиш юзасидан катта ташаббуслар билан чиқмаяпти? Агар чиқаятган бўлса, улар нега халқ назарига тушмаяпти?..

Масалага ёндашиш нуқтани назаридан келиб чиқиб, юқоридаги саволларга ҳар қим ҳар хил жавоб бериши табиий, албатта.

Президентнинг видеоселектор йиғилишидаги маърузаси ва парламент Мурожаатномасини яхшилаб тингласак, давлат бошқаруви ислоҳ қилинаётган тарихий даврда яшаётганимиз аён бўлади. **Ҳозирги пайтдаги сиёсий сусткашлик, лоқайдлик, иродасизлик тараққиётимизга салбий таъсир кўрсатиши табиий.** Эҳтимол шунинг учун давлат раҳбари парламент аъзоларига «Уйғонинглар...» «Курашишга тайёрмисизлар?», деб қатъий мурожаат қилгандир.

Бу қандай кураш? Бу — одамларнинг ҳаётини яхшилашга таъсир қилмайдиган қонунлар, қарорлар қабул қилинишига қарши кураш. Бу — давлат бошқаруви тизимида парламентнинг, халқ вакили, деган юксак мақомнинг ҳурматига лойиқ ўрни бўлиши учун кураш.

Бу курашда муаммони, адолатсизликни кўрса, ўзини кўярга жой тополмай юрадиган депутатлар ва етакчилар иштирок этади. **Ўзини жамоатчилик олдида қарздор ҳис эتماган етакчи ёки депутатдан гоё чиқмайди, ташаббус чиқмайди.**

Давлат раҳбарининг «Депутатлар уйғонмаса, жамиятимизда мувозанат бўлмайди ҳеч қачон», деган таъкиди замирида катта маъно мужассам. Бу ташаббус

қийналмайди?.. Энг муҳими, унинг олғиси келадими?

Сафдошлари қўллаб-қувватлашни ҳис этган етакчилар журъдли ва қатъиятли бўлади, жамиятдаги муаммоларни ҳал қилиш, партиялар ҳамда парламентнинг таъсирини кучайтириш бўйича янги-янги ташаббусларни олиб чиқа олади.

Минглаб аъзолар, миллионлаб хайрихоҳларнинг мададини сезган, бундан ич-ичидан юксак қадрлаган инсонгина ҳақиқий етакчи бўлади. Нотабиий ҳолатда етакчиликка келганлар эса кўпроқ эҳтиёткорлик ҳақида ўйлаши ва бу бутун партия ташкилотига фаолиятга сақбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ҳар ҳолда, бундай эҳтимолни инкор этиш қийин.

Сиёсий партиялар ташкилотлари, депутатлик бирлашмаларида ҳақиқий ташаббускорлик, гоё ва дастурлар учун жонкуярлик, мақсад йўлида қаттиқ жипслашиш хусусияти етишмаслигининг сабабларидан бири эҳтимол шу масала билан боғлиқдир?.. Видеоселектор йиғилишида ҳозирги вақтда сиёсий партияларнинг бошқарув аппаратларида ишчанлик муҳити деярли кўзга ташланмаётгани таъкидланган эди. Бундай ҳулоса ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмаган, албатта.

Партия ташкилотига етакчилигининг ўзига хос талаблари бор. Бундай одам партиядошлари орасида лидерлик хусусияти билан ҳурмат қозонган, айна пайтда, йўлбошчилиги тан олинган киши бўлиши керак эмасми? Шунда аъзолар, хайрихоҳларнинг гоё ва ташаббусларини астойдил қўллаб-қувватламайди?.. Аксинча, партия фаоллари, қолаверса, депутатлар ҳам ўзлари яхши билмайдиган киши етакчи бўлиб қолса, у билан ҳам-жихат, ҳамфикр бўлиб ишлашга

МУНОСАБАТ

ЭҲТИЁЖМАНД КИШИЛАР ЭНДИ ГАРОВСИЗ КРЕДИТ ОЛИШИ РОСТМИ?



Дурбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши сектор мудири.

— Инсон муносиб ҳаёт кечириши, орзу-ҳавасларини рўёбга чиқариши учун меҳнат қилиши ҳамда меҳнатига яраша ҳақ олиши зарур. Ишсизлик инсонни тушкунликка туширади, у ўзини жамиятга кераксиздек ҳис қила бошлайди.

Мамакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг реал даромадларини ошириш, ишсизлик даражасини пайсатириш мақсадида ўтган бир йил давомида 10 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Лекин шунга қарамастан, ҳудудларда доимий иш ўринларини ташкил этиш, ёшлар, хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар аъзолари бандлигини, айниқса, қишлоқ жойларда таъминлаш масалалари ҳал этилмай қолмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 16-июлдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори аҳолининг ишчанлик фаоллиги ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти, сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган ишларни янги босқичга кўтариш учун асос бўлади.

Қарор билан аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга доир «йўл харитаси» тасдиқланди. Шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Бандликка қўмақлаштириш давлат

жамғармаси учун жорий йилда 150 миллиард сўм ажратилиши, келгуси йилдан бошлаб эса 300 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча маблағлар ажратилиши белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари ташкил этилади. Ушбу жамғармалар ҳисобидан, айниқса, қишлоқ жойларда доимий иш ўринлари ташкил этишчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун республиканинг тижорат банкларида кредит линиялари очилиши назарда тутилган.

Қарорнинг яна бир аҳамиятли томони, қишлоқ туманларида, аҳоли сони 5 минг кишидан кўп бўлган аҳоли пунктлари мустақил, сартарошхона хизматларини, яъна тартибдаги бюрот-малар бўйича қийим тикиш хизматларини, пойабзал таъмирлаш хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни ташкил этган, шунингдек, жамоат ҳам-момларини ташкил этган яқна тартибдаги тадбиркорлар 2023 йил 1 июлгача барча турдаги солиқлар тўлашдан озод этилмоқда.

Ушбу йўналишдаги яқна тартибдаги тадбиркорлар ҳар бир ёлланган ходимга тўланадиган қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилади. Шу билан бирга, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъектлари 3 нафаргача доимий ишчиларни ёллашга, улар билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа яқин қариндошларини, шу жумладан, болалари ва невараларининг эр-хотинларини, ака-укалари ва опа-сингилларини, уларнинг эр-хотинларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъекти иштирокчилари сифатида жалб қилишга ҳақли эканлиги белгилаб берилди.

Бу вазифаларнинг амалга оширилиши биринчи навбатда партиянинг электорати учун ниҳоятда муҳимдир. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаати ҳимоя қилиниши мамлакатдаги ижтимоий вазият барқарорлашишида муҳим аҳамият касб этади.



Бахтиёр АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ХДП
Марказий
Кенгаши сектор
мудири.

— Жорий йилнинг ўтган даврида партияимизнинг Жамоатчилик қабулхоналари ҳамда сайёр қабулларда 7 мингга яқин мурожаат бўлди. Уларнинг 2 мингдан ортиғи иш билан таъминлаш масаласида бўлиб, аксарияти кредит олишда ёрдам сўралган мурожаатлардир. Яъни, кўпчиликини кредит олиш учун гаров қўйиш масаласи ўйлантириб келарди. Президент қарорида шу масалага алоҳида эътибор қаратилгани қувонарли.

Унга мувофиқ, кичик лойиҳаларни амалга ошириш учун аҳоли бандлигига қўмақлаштириш марказларида рўйхатга олинган ишсиз шахсларга, меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга, хотин-қизларга, кам таъминланган оилаларнинг аъзоларига ва аҳолининг бошқа эҳтиёжманд қатламларига гаров таъминотисиз энг кам иш ҳақининг 100 бараваригача микрокредитлар ажратиш назарда тутилган. Шунингдек, ишсизхоналар ташкил этиш, уруғчилик, кўчатлар, чорва моллари, паррандалар, қишлоқ ҳўжалиги ускуналари, суғориш мосламалари харид қилиш ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш фаолияти учун энг кам иш ҳақининг 500 бараваригача бўлган 3 йиллик мuddатга, 6 ойлик имтиёзли давр билан берилиши белгиланган.

Илгари кредитнинг гарови масаласидаги мурожаатлар ва саволларга жавоб тополмай, электрот вакилларига ёрдам беришнинг имқони йўқлигиндан қийналардик. Энди вазият ўзгарди. Бундан кейин ўз ишини йўлга қўймоқчи бўлганларга амалий ёрдам, йўл-йўриқ кўрсатиш ҳақида ўйлашимиз керак.

Қарорда белгиланган қулайлик ва имтиёзлар амалда аҳолига хизмат қилиши учун фаоллик кўрсатишимиз талаб этилади. Одамларни ўз ишини бошлашга тўғри йўналтири билиш, уларни янги гоё ва лойиҳаларга рағбатлантириш, шу билан боғлиқ дастурлар режасини ишлаб чиқишимиз зарур. Жойларда кўрсатилётган банк хизматларининг шаффофлиги устидан жамоатчилик ҳамда депутатлик назорати ўрнатилиши ҳам долзарб вазифадир.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

Президент Шавкат Мирзиёев 17 июль куни умуий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди. Уни оммавий ахборот воситаларида қўзғатиб, ич-ичидан суюндим. Ниҳоят, бизнинг қад-қадимиз ҳам, қадримиз ҳам, жамиятдаги обрўйимиз ҳам оширилди.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ҚАДРИ

Тўғриси айтишим керак, бизнинг болалик чоғларимизда мактабларга эътибор бугунгидек эмас эди. Аммо барчамиз ўқитувчини қаттиқ ҳурмат қилар эдик. Уни отамиздек азиз инсон сифатида қадрлардик. Мен ҳам ўқитувчиларимга ҳавас қилиб, ушбу соҳани танладим.

Яна бир аниқ ҳақиқат аёнки, кейинги йилларда ўқитувчининг жамиятдаги обрўси пайсиди. Бунинг ўзига яраша сабаблари ҳам бор. Мисол учун, ҳашарлар, кўча-кўйини тозалаш ўқитувчининг гардианига юкланди. Турли «йиғай»-лар ҳам ўқитувчининг зиммасига тушди. Бундай ҳолат биринчи галда ўқитувчини ўз касбидан совутди.

Ўз устида тинимсиз ишлаб, халқнинг фарзандини маънавияти инсон қилиб тарбиялашга масъул бўлган фидойи касб эгалари турли асоссиз текширувлардан ҳам чарчади. Натияжада фақат қоғозбозлик ишлари авж олиб кетди.

Ҳеч эсимдан қиймайди, 2012 йилда туманимиздаги намунавий ўрта таълим қўлинишга ҳам ўқитувчилар жалб қилинган эди. Бундай ҳолат ўқитувчини очик-ойдин тақдирлаш билан баробар эди.

Президентимиз таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчининг жамиятдаги обрўсини ошириш бўйича мутасаддилар олдиға жуда тўғри ва аниқ вазифаларни қўйди.

Таълим тизимига айрим мутасаддиларнинг панжа ортидан қарашли оқибатида замонавий дарслиқлар яратилди, илгор технологияларни жорий этиш, мактабларни таъмирлаш масалаларида қатор муаммолар йиғилиб қолган эди. Айниқса, кимё, физика лабораторияларига керакли жиҳозлар ўз вақтида етказиб берилмаганини ҳам кўпчилик яхши билади.

Давлатимиз раҳбари мактабларда технология, муҳандислик фанлари, математика, санъат, чет тиллари йўналишларини кучайтириш, уларга тааллуқли лабораторияларни қайта жиҳозлаш кераклигини алоҳида таъкидлади. Чиндан ҳам бу ишлар ўқувчиларда кўпроқ мустақил таълим олиш қўнимасини шакллантиришга ёрдам беради.

Шу кун Президентимиз яна бир муҳим масалага эътибор қаратиб, таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш лозимлигини таъкидлади. Бу ўқувчиларнинг замонавий таълим олишига замин яратди.

Йиғилишда берилган топшириқларни сўзсиз адо этиш, жойларда таълим сифатини ошириб бориш биз, ўқитувчилардан катта масъулият талаб қилади. Яна бир масала. Ўқитувчиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилиши соҳа ходимларининг ўз касбига бўлган меҳрини янада ошириши шубҳасиз.

Мен бир оддий ўқитувчи сифатида шарафли касб эгаларига кўрсатилган юксак эътибордан миннатдорман ва бу ҳурмат-иззатга муносиб бўлишга ҳаракат қиламан.

Хайринисо ЁДГОРОВА,
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Навбахор туман бўлими раҳбари, туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси.

МАСЪУЛ ИДОРЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҚУЁШ НУРИДА «ТОБЛАНАЁТГАН» ЯХНА ИЧИМЛИКЛАР

САВДОСИНИ КИМ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ?..

Ёз фаслининг жазирасида кўчага чикдингизми, албатта, чанқайсиз, лабингиз қуриб, муздайгина сув кидирасиз, дўконларга ошиқасиз. Шўжри, ҳар қадамда яхна ичимликлар сероб... Аммо чанқоғимизни босадиган ўша сувнинг қай аҳволда сақланишига ҳақиқатан ҳам эътибор қилвермайсиз. Турли сизимдаги елим идишлар («баклашклар») дўконлар ёнида, йўлакларда қуёш тигида қатор қилиб тахлаб қўйилганини кўравериб, кўникиб кетганимиз, парво қилмаймиз.



Дўкон ташқарисидан қуёшнинг 40-43 даража иссиғида тахлаб-тахлам қилиб, териб қўйилган яхна ичимликларни қолипдан бузиб, музлатгичга териб қўяётган йигитни суҳбатга тортиамиз.

— **Куннинг жазирасидан одамнинг силласи қуриб кетаяпти. Қуёш нурида соатлаб турган бу яхна ичимликлар сифати бузилмайдими, соғлиққа зарар etkazмайдими?**

— Билмадим, ака. Дўконнинг ичида жой йўқ. 40 ёки 43 даража иссиқ бўладими-йўқми, умуман, ундан юқори бўладими менга нима фарқи бор. Мен оддий сотувчи бўлсам. Менга музлатгич ичидаги яхна ичимлик камроқ қолса, ташқарида турганлардан олиб тўлдириб қўйиш айрилган. Улар бирпасда муздай бўлади...

— **Дўкон ичкарасида яхна ичимликларни сақлайдиган алоҳида жой йўқми?**

— Бор-у жой торроқ. Кун иссиқ бўлганидан кейин кўпроқ сотилади, деб ҳар доимдан кўра 10 баробар кўпроқ олиб келинган. Барибир, тўрт-беш кунда сотилиб кетади. Кўрмайсизми, иссиқ одамни ёндирман, дейди. Бундай иссиқда яхна ичимликлар савдоси чаққон бўлади...

Аслида, шу ерда ҳақиқатан бир савол туғилади: яхна ичимликлар ёрликларидан +18-25 даражагача иссиқликда тоза, салқин ҳамда қуруқ жойларда сақлаш кераклиги ёзиб қўйилган. Аммо сотувчиларнинг бу талаб билан иши йўқ. Унинг мақсади — кўпроқ даромад кўриш. Биз фақат биргина дўкон сотувчиси билан суҳбатлашдик. Энди ўйлаб кўрайлик, республикамиз бўйича бундай дўконларнинг қан-

часи худди шундай ҳолатда фаолият кўрсатмоқда?!

Камола САФАРОВА, харидор:

— Қуёш тиги остида турган ҳар қандай ичимлик ўз таркибини ўзгартиришини кўпчилик билмайди. Таркиби бузилганини музлатгичга бўйла билан асл ҳолига қайтариб бўлмайди-ку.

Ишонасизми, ҳар кун турли хил сувларни истеъмол қиламан. Лекин гоҳида айрим идишлардан ёқимсиз ҳид келиб туради ва оғизда ранги қолиб кетганлар ҳам учраб туради. Шундай бўлса-да, ичишга мажбурман. Нима қилай чанқоғини қондириш керак-ку!

Ҳўш, ҳар хил ранг ва концентратлар ҳамда кимёвий моддалар аралашмасидан тайёрланадиган бундай ичимликлар белгиланган меъёрий иссиқликдан юқори ҳароратда туриб қолса, ўз таркибини ўзгартирмайдими? Уни ичиш соғлиқ учун зарарли эмасми? Қуёш нури темирни ҳам қиздираётган бир пайтда елим идишдаги сувлар қайнаб кетмасмикан? Бундай ҳолатда уларнинг сифати бузилмайдими?

Шу каби саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилдик.

Бахтиёр ОМАРКУЛОВ, «Family Group» маъмулоти чекланган жамият бош директори:

— Бундай муаммолар бизни, яъни яхна ичимликлар ишлаб чиқараётган қўллаб компанияларни бирдай қўйнаб келаётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Биздан маҳсулот харид қилаётган тадбиркорлар

уларни ўзлари хоҳлаган шароитда дўконларига жойлаштириб сотишади. Маҳсулотни юклатганда ёрликларда кўрсатилган қодаларга қатъий риоя қилишлари ҳусусида доим эслатамиз. Бундан ташқари, республика миқёсида 5 мингдан ортиқ музлатгич жамиятими томонидан тадбиркорларга etkazиб берилган. Афсуски, фақат пул топиш илинжида юрган айрим ишбилармонлар харидор манфаатини умуман ўйламайди. Шу боис ҳам бизга харидорлардан маҳсулотнинг сифатсиз экан, деган мазмунда эътирозлар ҳам бўлиб туради. Шу заҳоти махсус ходимларимизни ўша жойга юборамиз. Ва маҳсулотимизни харид қилган фирма ва тадбиркорлар томонидан бу борада қодалар кўпол тарзда бузилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Албатта, биз ҳам бундай ҳолатлар бўйича қонуний чоралар кўриш учун тегишли ташкилотларга мурожаат қиламиз.

Аслида, бизда ишлаб чиқарилаётган яхна ичимликлар 120 метр чуқурликдан олинмайдиган сувдан тайёрланади. Уларни яна олти хил кўринишда махсус ускуналардан фойдаланган ҳолда тозалаш, Америка Қўшма Штатлари ва Германиядан келтирилган концентратлар билан уйғунлаштирамиз. Шунингдек, ўзимиздаги махсус лабораторияларда тайёр ҳолга келтирилганларни қайта-қайта текширувдан ўтказгач, қадоқлашга рухсат берилади. Қолаверса, ҳар ойда Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология марказига ўз маҳсулотларимизни текширувдан ўтказиш учун юбориб тураемиз.

Улуғбек МУҲИДДИНОВ, «Ўзстандарт» агентлиги стандартлаштириш ва давлат назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси:

— Сақлаш шароитининг бузилиши яхна ичимликлар ва умуман бошқа озиқ-овқат маҳсулотларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, бу ҳолат ПЭТ (поливинил хлорид яхна ичимликлар идиши)га қўйилган яхна ичимликларга тегишлидир. Чунки ПЭТ идишлари иссиқ ҳавога умуман тўғри келмайди. Қуёш нури остида сақланган салқин ичимлик 0 даражадан паст ва +25 даражадан юқори бўлмаган ҳавонинг нисбий намлиги 75 даражадан ошмаган шароитда сақланиши керак. Шундангина одам организми учун у хавфсиз бўлиши мумкин.

Нуриддин ТОШБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология назорат маркази Бош врач Уринбосари:

— Кўнлар иссиғи билан ошқозон-ичак касаллигига чалинган беморларнинг сони ортади. Сабаби, гигиенага риоя қилмасдан мевача ҳамда мўддат ўтган ёки иссиқда қолган яхна ичимликларни истеъмол қилинганлигидир. Аслида, яхна ичимликлар қадоқланаётган идишлар иссиқ ҳаво шароитига умуман тўғри келмайди. Чунки у поливинил хлорид бирлашмасидан ташкил толган боис, белгиланган иссиқликдан юқори даражада маълум бир миқдорда эриб, ичимлик таркибига қўшилади.

Оқибатда канцероген, аллергия, гастрит, токсик гепатитлар, панкреатит ва саратон касалликларини келтириб чиқариши мумкин.

Яна бир жиҳати шуки, ичимлик ҳар хил кимёвий концентратлар бирикмасидан иборат бўлганлиги учун таркибидеги «аспартам», яъни (шакардан 300 баробар ширин модда) СО2 билан биргаликда қонга тез сўрилиб, ошқозон ости беги фаолиятига жуда тез салбий таъсир кўрсатади. Бу эса қандли диабет касаллигига олиб келади. Шунинг учун поливинил хлорид идишдаги яхна ичимлик ичида аспартам, кофеин ва бошқа ранг ҳамда таъм берувчи сунъий қўшилмалари борлиги боис ҳамда қуёш нури тик тушадиган жойларда узоқ мўддат туриб қолган яхна ичимликларни ичишни тавсия этимаймиз.

...Яхна ичимлик йўл ёқаси, дўкон атрофи ёки бозорларда қуёш тиги остида ётган ҳолатларни ҳар қадамда учратамиз. Лекин ҳар бир маҳсулотнинг, хусусан, салқин ичимликларнинг ҳам сақлаш қодалари бор. Унга амал қилиш нафақат савдо қодаларини жойига қўйиш, балки соғлиқни сақлаш учун ҳам хизмат қилади. Зеро, истеъмолчига сифатли маҳсулотлар etkazиб беришни мақсад қилган ҳар бир тадбиркор бунга амал қилиши керак. Йўқса, унинг маҳсулоти чанқоқ босувчи эмас, соғлиққа путур etkazувчи ичимликка айланади.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ҚОНУН ВА ШАРҲ

ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ЧИЛИМ ВА ЭЛЕКТРОН СИГАРЕТАЛАР ЧЕКИШНИ ЧЕКЛАШ — ФУҚАРОЛАР СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида аҳоли, айниқса, ёшларнинг соғлиғи ва саломатлигини ҳар томонлама муҳофаза қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида», «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонунлар ва бир қатор қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

2018 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикасидаги «Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам фуқаролар соғлиғини чилим ва электрон сигареталар чекишининг зарарли таъсиридан, у билан боғлиқ салбий оқибатлардан муҳофаза қилишга, шунингдек жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топиришининг ташкилий-ҳуқуқий шароитларини яратиш борасидаги ислохотларнинг манфиқлиги давоми бўлди.

Авалламбор Қонунда чилим ва электрон сигареталарга нисбатан қатъий чеклаш қўйилди. Яъни, чилим бу — тамаки чекиш ёки таркибиде тамаки бўлмаган чекиладиган қоршамани (тутатқи қиёмни, тутатқи тошни) истеъмол қилиш учун фойдаланиладиган асбоб бўлиб, унда азроэль (буғ) ёки тутуқ суюқлик солинадиган идиш (чилим сувдо-ни) орқали ўтади. Электрон сигарета эса — никотинни ёки никотинсиз маҳсулотни etkazиш воситаси сифатида фойдаланиладиган, нафас олиб

жамоат жойларининг рўйхатига 12 тоифадаги объектлар киритилди, булар — стационар савдо объектлари, шунингдек умумий овқатланиш корхоналари; оммавий дам олиш учун мўлжалланган ёпиқ турдаги масканлар — кинотеатр, театр, цирк, концерт, кўрғазма заллари; кўнглолар (буёк вақт ўтказиладиган жойлар) — клуб, дискотека, компьютер заллари; музейлар, ахборот-кўтувхона муассасалари ва маърузахоналар; жамоат ва йўналишли транспорт воситаларида — поезд, кема, ҳаво кемаси, автобус, такси, шахар электр транспортда; йўл инфратузилмаларида — ерости ўтиш жойлари, транспорт бекатлари, автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари; давлат ҳокимияти ва бошқаруви, ҳўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг бинолари; соғлиқни сақлаш, таълим муассасаси ва ташкилотларида; жисмоний тарбия ва спорт иншоотлари; иш жойлари хоналари; кўп квартиралли уйлар йўлаклар, уй олди худудларида жойлашган болалар ва спорт майдончалари; хиёбонлар, боғлар, кўчалар ва бошқа жамоат жойлари.

Ушбу қодалардан истисно тариқасида чилим ва электрон сигареталар учун махсус ажратилган хоналарга эга бўлган савдо объектлари, шунингдек, умумий овқатланиш корхона-

ларида чилим ва электрон сигареталар чекишга, шунингдек, уларни чекишга, фойдаланишга бериш рухсат этилганлигини таъкидлаш лозим. Айни дамда мажкур ажратилган хоналарнинг жиҳозлари, чилим ва электрон сигареталарни фойдаланишга бериш тартибидеги, чилимларни санитария жиҳатдан тозалашга ва чекиладиган қоршамаларни сақлашга ҳамда тамаки ва чекиладиган қоршамалар доир гигиенлик талаблар қонун ҳужжатларида белгиланиши кўзда тутилган.

Иккинчидан, чилим ва электрон сигареталар чекишни реклама ва тарғиб қилишга йўл қўймаслик. Қонунга мувофиқ, чилим ва электрон сигареталар чекишга йўл қўйилмаслиги тўғрисида огоҳлантириши, ҳуқуқбузарлик давом эттирилган тақдирда эса, ички ишлар органларига хабар бериш; ҳаммага кўринарли жойга, шу жумладан, кириш жойларида, транспорт воситаларида ва бошқа объектларда жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишга йўл қўйилмаслиги ҳақида огоҳлантирувчи лаваларини жойлаштириш.

Тўртинчидан, жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхона, таълим

муассасалари ва бошқа муассасаларда ўз ваколатлари доирасида чилим ва электрон сигареталар чекишининг салбий таъсири профилактикаси, жамоатчилик онгиде чилим ва электрон сигареталар чекишга нисбатан салбий муносабатни шакллантириш бўйича комплекс ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа чораларни амалга оширадиган.

Бешинчидан, жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклашга доир сўнги чора-тадбир — бу борадаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратнинг ўрнатилиши. Қонунга асосан ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари ижро этилиши устидан назоратни ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган.

Қонун расмий эълон қилинганидан кейин уч ой ўтгач, яъни жорий йилнинг 3 октябрдан қўнра кириши белгиланган. Бу ҳам тадбиркорлик субъектлари ва жамоатчиликка ўз фаолиятларини ушбу қонун нормаларига мос ҳолда ташкил этишлари учун имконият беради.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишининг чекланиши фуқаролар соғлиғини турли салбий одатлар ва амалларнинг зарарли таъсири ҳамда оқибатларидан муҳофаза қилиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, барқамол ва соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Нодиржон ХАЙРИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди.



Ер қаърида 10 квадриллион тонна олмос бўлиши мумкин



Бир неча ой аввал Африка жанубидаги Лесото давлатида топиладиган олмос парчаси миқошида савдосида 40 миллион долларга сотилган эди. Тадқиқотчилар бундай олмос ер қаърида беҳисоб эканини маълум қилишди. Бу ҳақда «Sabah» хабар бермоқда.

Тадқиқотчилар сейсмик тўлқинларни таҳлил қилиб, ернинг 145 ва 241 километр қаърида 10 квадриллион тонна олмос борлигини кашф қилишди.

Олимлар ер қаърида олмос тоғлари борлигини айтишмоқда. Мутахассислар ер ядросининг 2 фоизи олмосдан таркиб топган, дея тахмин қилишмоқда.

Тадқиқотчилар гуруҳининг маълумотларига кўра, олмос аввал уйланганидек экзотик эмас, балки геологик нуқтаи назардан жуда оммавий бўлиб, уни 240 километр чуқурликдан қазиб олиш имкони йўқ.

Энг қадимий нон қолдиқлари топилди



Иорданияда археологлар 14,5 минг йиллик нон қолдиқларини топилди. Қазилма ишлари Қора чўл худудида олиб борилган, деб хабар беради gazeta.ru сайти.

Кейинроқ олимлар қадимий ноннинг тайёрланиш рецетини билди мақсадида унинг таркибини ўрганиб чиқишган. Уларнинг айтишича, ўша замонлар одамлар лавашини еслатувчи нон ёпишган. Нонлар ёввойи арпа, буғдой ёки сулдан тайёрланиб, унга ўсимликларнинг майдаланган туганаклари ва сув қўшилган.

«Қадимий нон» қулба ўртасидаги тош полда жойлашган бир метр диаметраги ўзига хос пещада пиширилган.

Олимлар бу топилма эвазига нон пишириш одамлар бошқоқли ўсимликларни етиштириш ва ёввойи ҳайвонларни хонақилиштириш бошлашларидан анча олдин пайдо бўлган ҳақиқати ҳулосага келишган.

Авал нон пишириш технологияси Туркияда 9 минг йил аввал пайдо бўлган, деб ҳисобланарди.

Бир кунда тўрт маротаба зилзила юз берди



Эроннинг Кирмон вилоятида 5,8 магнитудали зилзила юз берди. Бу ҳақда Эрон сейсмология маркази маълумотларига асосланиб «ISNA» ахборот агентлиги маълум қилди.

Маълумотларга кўра, вилоятдаги илк ер силқинишлар маҳаллий вақт билан соат 01.09 да қайд қилинган. Зилзила ўчоғи 10 км. чуқурликда бўлган. Бундан аввал Эронда бир кун ичида 3 зилзила қайд қилинган. Улардан энг кучлиси Кирмоншох вилоятида қайд қилинган 5,9 магнитудали зилзила бўлган. Унинг кучи деярли бутун мамлакат бўйлаб сезилган. Оқибатда вилоятда яшовчи 287 киши турли жараҳатлар олган, 101 бино буткул вайрон бўлган, 850 бинога шикаст етган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ИБРАТ
 САОДАТЛИ
 ЗАМОН

ХАТТОТЛИК НОЁБ САНЪАТ

Бундан беш аср олдин ёки подшолар бир-бирига мактуб ёзганда...

Давр — замоннинг яхши томонга ўзгариши билан саодатлидир. Яъни, бу — халқ ишончини қозониш, жамиятда ёшлар иштирокини, фаоллигини таъминлаш, эртанги кунимизнинг қандай бўлиши ана шу омилларга боғлиқ эканини англаб етиш саодатидир. Бугун минглаб оддий инсонларнинг ҳаёти яхши томонга ўзгармоқда, нотавон кўнгилларда эртанги кунга ишонч, меҳр-оқибат уруғлари унмоқда.

Замон эврилишларини кўриб, қадим бир ривоят ёдимга тушади. Тарихнинг гувоҳлик беришича, Сосонийлар сулоласи беш юз йил ҳукмронлик қилган. Сосонийларнинг биринчи ҳукмдори Анушервон жуда маърифатли ва одил шох бўлган. У ўз салтанатини адолатпарварлиги туфайли мустаҳкамлаган. Халқи бахтли, тинч-фаровон яшаган.

Ривоятда келтирилишича, ҳатто Анушервон шундай қилган эканки, у яшайдиган қаср дарвозасига ўрнатилган халқга боғланган илнинг иккинчи учи султон қароргоҳидаги кўнғирқоқа уланган экан. Қайси фуқароннинг арзидо бўлса, халқани силқитган ва шу тариқа кўнғирқоқ чалинган. Анушервон арзи бор одамларни бирма-бир қабул қилиб, дарди-ғамини тинглаб, уларга кўмаклашган. Оддий халқ султон томонидан ҳимоялангани учун уни Анушервон одил, деб улуғлашган экан...

Едимдан сира чиқмайди, бундан ўн йилча муқаддам Сурхондарё вилоятининг Денов тумани икки ишлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлардим. Иш кўп, кўл-қўлга теғмайди. Базан фикрни бир нўқтага жамлаб олиш мақсадида бир неча дақиқа ҳамма нарсага ҳаёдан чиқариб, дераза ёнига борардим. Шунда кўпинча идорамиз рўпарасидаги нововйхона тозага юрган мактаб ёшидаги болага кўзим тушарди.

Ҳозир айти ўқийдиган вақти бўлса, нега бу бола эрта кеч тандирнинг кулини олиш, ўтин ёриш ва бошқа ишлар билан машғул деб ўйлардим. Бунга аниқлаш учун бир кун у билан сўхбатлашдим. Маълум бўлишича, бола тўқтинчи синфни битирган, мактаб раҳбарияти томонидан унинг ҳужжатлари туман академик лицейига топширилган. Лекин ўқишга борса, лицей раҳбарияти «Ҳужжатнинг бошқа коллежга жўнатилган, деб қабул қилмаган».

Она-бола, Денов туманининг тоғли Сина қишлоғида яшаганлиги боис, ҳужжатни топиш учун марказга қатнайвериб, йўл харажатларидан чарчаган. Бу ўртада ота уйдан бош олиб кетган. Оила ночор аҳволда қолгани туфайли, бола эртдан-кечга шу нововйхонада ишларкан...

Мен бу воқеадан жуда таъсирландим. Масаланинг соҳиятига етиш, адолатни тиклаш мақсадида у ўқиган мактаб раҳбарияти, у яшайдиган маҳалла фаолларини, ҳудудий профилатика ва вояга етмаган ёшлар билан ишлаш инспекторларини йиғиб, бола ҳақида сўраб-суриштирдим. Улар бир овоздан: «Бола Денов туманидаги академик лицейда ўқияпти», деган ёлғон маълумот беришди.

Мен агар ўқийдиганлиги рост бўлса, уни олдимга олиб келишларини буюрдим. Эртаси куни бола нововйхонада ишлаётганини айтишди. Икки кун ичида унинг ҳужжатлари топилди, туман академик лицейига ўқишга қабул қилинди.

Унинг таълим-тарбиясини назоратга олдим. Ҳар томонлама кўмаклашдим. Маҳалла раиси билан бирга унинг уйига бордик, оиласи ночор аҳволда эканлигини кўриб, маҳалла фаолларидан ва ўзига тўқ тадбиркор фуқаролардан бу оилга ёрдам кўрсатиб туришни илтимос қилдим.

Шу воқеадан кейин тумандаги барча таълим муассасалари профилатика хизмати ходимлари орқали текширилиб, ҳар бир ўқувчи ҳақида маълумотлар тўпладик. Ўқишга бормаётган ва туман ҳудудидан чиқиб кетган ўқувчилар сонини аниқлаб, чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Ана шунинг натижасида вазият ижобий томонга ўзгарди. Айбдор мутасадди раҳбар ва ота-оналарга нисбатан тегишли чоралар кўрилишига эришдик. Бола улғайди, ўқиди, камолга етди. Олий ўқув юртини битириб, ҳокимиятда масъул лавозимда фаолият кўрсатмоқда. У билан ҳозиргача хабарлашиб тураемиз. Ҳар сафар уни кўрганамда, кўнглим ёришади, хурсанд бўламан, инсонларга яхшилик қилиш энг олий бахт эканини чин дилдан ҳис этаман.

Одилжон ЖАББОРОВ,
 Ички ишлар идоралари
 фахрийси,
 истеъфодаги полковник.

Башариятнинг бебаҳо буюк кашфийтларидан бири — маънавий эҳтиёж сифатида юзага келган ёзувнинг ихтиро қилинишидир. Агар ёзув бўлмаганда ўтмишни бугун билан, асрларни асрга, даврларни даврга, аждодларни авлодларга боғлаш ҳам мумкин бўлмас эди. Ёзув мозийнинг кўзгуси, маданиятимиз тарихининг очқичидир. Ёзувларда халққа хос бўлган донишмандлик ва нафосат акс этган бўлади. Халқимиз ўз кечмиши давоминда турли хил ёзувларни истифода этган. Оромий, бақрий, сўғд, Хоразм ёзуви, Ҳорун-Энасой, қадимги уйғур ва араб ёзувларидан фойдаланган. Уларнинг орасида энг кўп фойдаланилган араб ёзувидир, жуда катта тарихий, адабий мерос айнан шу ёзувда сақланиб қолган. Бу ёзув ўзининг шаклу шамойили билан кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортган. Шу аснода унинг турли хил шакллари пайдо бўлган. Кўфий, рикъа, девоний, сулс, шикаста, райхоний, насх, таълиқ, настаълиқ хатларида қадимий битиклар, ёдгорликлар етиб келган.

Ўтмиш адабий меросимизни китоб ҳолида арабий ёзувда етиб келишида хаттотларнинг ҳиссаси катта. Табризий, Султонали Маъшадий, Абдуҷамил котиб сингари хаттотлар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларини тайёрлашда ибрат бўлгани каби, Ҳабибулло Солих, Муҳаммад Нури ва Сайфиддин Сайфуллох ўғли Рафидиновлар бугунги кун хаттотчилиги аънасини давом эттирмоқда. Ҳар бир хаттотлик мактабининг аънасалари мавжуд бўлган. Бу эса Марказий Осиё хаттотлик мактабининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган.

Ўтмишда хат турларининг ҳар бири махсус ўринларда қўлланилган. Кўфий хати нақшин беэза ўрнида фойдаланилган, насх хати, асосан китоб матнларини кўчиришда, сулс хати ёдгорлик обидалар пештоқ ёзувлари ва лавҳаларда, тавкиъ хати имзода, рикъа хати мактубларда ишлатилган. Бу етти хат услубининг ҳар бири ингичка — ҳати ва йўғон — жалий қаламларда ёзилишига кўра 14 хил хатни ташкил қилади.

Яқин ёзилган хат киши кўнглини кўтаради. Шунинг учун хусниҳат билан ёзилган ва кўчирилган китоблар ниҳоятда қадрланган, аждодларимизнинг нодир асарлари мана шу ноёб санъат тури орқали авлодларга етиб келган. Лекин афсуски, мазкур нафис санъат тури

бугунги кунда оғир аҳволда. Юртимизда хаттотлик шаклан бору, мазмунан йўқ, яъни аксарият хаттотларимиз мактаб кўрмаган, хаттотлик назариясини билмайдилар. Профессонал хаттотлар эса бармоқ билан санарли. Яқинда Тошкент шаҳрида «Ҳикматлар олами» номида Республика хаттотлик фестивали бўлиб ўтди. Унда юртимиздаги барча хаттотлар иштирок этди. Фестивалга олиб келинган ишларда имло хатолар кўп, хатлар қолиғига, ўлчовига тўғри келмайдилар. Баъзи бир хаттотларимиз ишида сулс хатини насх хатига, девонийни настаълиққа алмаштириб қўйган ҳолатлар ҳам учради.

Барча хатнинг ўз назарияси, алоҳида қоидаси бор. Хаттотлар ишларини мазкур қоидалардан чиқмаган ҳолда ёзиши керак. Бундай ишлар эса кам миқдорда. Лекин бизнинг ютуғимиз шу бўлдики, мазкур фестиваль орқали хаттотлар ўз камчиликларини ва хатларини билиб олишди. Мана бу ери ўхшамаган, қолиғи тушмаган, деб ўргатдик, кўрсатдик. Энди улар ана шу камчиликлар устида ишлашади ва кейинги фестивалгача тажрибаси анча ошади. Фестивалдан хулосам шуки, хаттотларимизга назарий билимлар олиши учун бадиий адабиётлар тарқатишимиз ҳамда кучли хаттотлар томонидан уларга мастер-класс ва ўрашувлар ташкил қилиш лозим. Ўрта асрлар хаттотлик мактабларини яратган устозларимиз унинг назариясини ҳам ёзиб қолдиришган. Улар Кўлёмалар институтида бугунги кунгача сақланади ва аксарият қисми тўлиқ ўрганилган. Мазкур мерос асосида хаттотларга назарий билим ва кўникмалар беришда фойдаланиш керак.

Хаттотлик мактабларини қайтадан жонлантириб, 500-600 йил олдинги Амир Темур, Алишер Навоий давридаги даражага етказиш лозим. Амир Темур даврида 40 дан зиёд хаттот саройида ишлаган. Масалан, девоний хатида девонлар қоғозга туширилган. Подшолар бир-бирига мактубларни девоний хатида ёзган. Настаълиқ хатида бадиий асарлар кўчирилган. Тазкиралар, тарихлар ҳаммаси насх хатида ёзилган. Ҳар бир хаттот ўз вазифасини бажарган.

Бугунги кунда Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида махсус хаттотлик ва миниатюра бўлими бор. Уни тугатган талабалар тарихий битикларни реставрация қилиши, масжидларнинг пештоқларида ёзувларни хаттотлик услубида ёзиши, тарихий манбаларни ўрганиши мумкин.

Биз хаттотлик тўғрисида мадрасалардан бошлаганимиз яхши. Чунки у мадрасада ўқувчиларга араб алифбоси ўргатилади. Ҳозир республикамизнинг ҳар бир вилоятида мадраса бор. Лекин уларда хаттотлик дарслари ўтилмайди. Ҳеч бўлмаганда, ҳар бир мадрасада хаттотлик қизиқувчилар учун алоҳида гуруҳ очиб, уларга хаттотликдан таълим бериш керак. Кадрлар масаласини ҳам ўйлаб кўриш лозим бўлади. Бухорода Абдуғофур Раззоқ Бухорий бор. Таниқли хаттот. У киши сулс, настаълиқ хатида жуда гўзал ёзади ва талабаларга хаттотликни ўргатади. Ана шундай инсонларни мадрасаларда таълим бериш учун жалб қилиш керак.

«Хунарманд» уюшмасида хаттотлик бўйича устоз-шогирд мактабини ташкил қилмоқчиман.



Мазкур мактабда профессионал хаттотлар етишиб чиқади. Ўқитувчиларга маош, талабаларга стипендия тўланади. Унда ўқиш учун ўқувчилар биринчи навбатда араб имлосидан хабардор бўлиши керак. Ёшлар алоҳида, катта ёшлар алоҳида гуруҳга бўлинади. Кучли қори бўлиши, 30 порани ёд билиши мумкин. Лекин у ўзидан кейин нимани қолдиради, қорилигини ўзи билан олиб кетади. Ёзиб қолдирса, у қарор топади. 100-200 йил ўтгандан сўнг ҳам авлодлари «Бобом ўз қўллари билан бизга ёзиб қолдирган экан», деб ўқийди ва ҳаққига дуо қилади. Дуо унга етиб боради. Хаттотликнинг ана шу тарафлари борки, у бу дунё охираги учун ҳам ўрганилади.

Ҳозир Қуръони каримни 70 см — 1 метр ҳажмда кўчиришман. Насиб бўлса, уч-тўрт йилда тугатаман. Мендан кейин ишимни набирам Абдулазиз Салимжонов давом эттиради, унга бор билимимни ўргатаман. Набирам 7-синфда ўқийди ва турли кўргазмаларда қатнашган. Яқинда бўлиб ўтган I Республика хаттотлик фестивалида энг ёш хаттот номинацияси билан тақдирланди.

Сўзимнинг охирида хулосам шуки, хаттотлик санъатини ривожлантирсак, қуйидагиларга эришамиз:

Биринчидан, ота-боболаримиз ўз вақтида бу илмда дунёда пешқадам бўлишган. Уша пешқадамликни яна қайтариб олиб, улардан қолган бебаҳо мерос бўлган нафис санъатни давом эттирган бўлаемиз.

Иккинчидан, халқимиз тарихи, ижтимоий-сийсий ва моддий-маънавий аҳволоти 1300 йил мобайнида араб алифбосига асосланган ёзувда ёзиб келинган. Бу ёзув сирларини англаш, хат хижоати ва имло хусусиятларини ўзлаштириш орқали эса биз халқимизнинг узок асрлик тарихи, маданияти, санъати, тили ва адабиёти, ёзма ёдгорликлар, қадим кўлёмалар, ўн минглаб тарихий обидаларимизни чуқур ўрганиш имконига эга бўлаемиз.

Салимжон БАДАЛБОВЕВ,
 Туркияда ўтказилган
 аънавий халқаро хаттотлик
 мусобақасининг икки қарра
 совриндори.

НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ

2018 йилнинг 1-ярим йиллигида берилган лицензиялар (ҳудудлар кесимида)

Region	Number of Licenses
Navoiy	6
Samarkand	20
Sirdaryo	15
Jizzax	5
Toshkent viloyati	21
Namangan	1
Toshkent shahri	11
Farg'ona	12
Andijon	15
Sukhondaryo	2
Kashkadaryo	4
Buxoro	15
Korakalpoqiston Respublikasi	14
Xorazm	6

2017 йилда берилган жамий лицензиялар

195

- 1. Мактабгача таълим муассасалари — 45%
- 2. Умумий ўрта таълим муассасалари — 4%
- 3. Мактабдан ташқари таълим муассасалари — 18%
- 4. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасалари — 33%

2018 йилнинг 1-ярим йиллигида берилган лицензиялар

427

- 1. Мактабгача таълим муассасалари — 44%
- 2. Умумий ўрта таълим муассасалари — 4%
- 3. Мактабдан ташқари таълим муассасалари — 19%
- 4. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасалари — 33%

Лицензия олиш учун талаб этилаётган ҳужжатлар 9 тадан

- лицензия олиш учун ариза
- ёнгин ва санитария-эпидемиология назорати органларининг бино ва хоналарнинг нормаларга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосалари
- педагог кадрлар ҳақида маълумот
- ўқув режаси ва дастурлар
- лицензия даъвогарининг илтимос қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусخаси.

Лицензия олиш муддати 1 ойдан кўнра кўнради

Тошкент вилоятининг Зангиота тумани «Ягона дарча» маркази томонидан 2017 йил 12 июлда №150 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «Ўзгаришшаробсавдо» МЧЖ (ИНН 203818319) таъсисчининг 2018 йил 17 июлдаги 69-сонли қарорига асосан тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида қабул қилинади.

Тел: (+99890) 9203017.

ПРЕСС-ТУР

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИДА ХИЗМАТ СИФАТИ ҚАНДАЙ?..

Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда семинар-тренинг ўтказди.

Тингловчиларга таниқли депутатлар, блогерлар ва шу соҳадаги профессионал экспертлар томонидан ахборот хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш, қўнун ҳужжатлари ва уларнинг муҳим хусусиятлари, божхона органлари фаолиятининг очкилигини таъминлаш, интернет учун материаллар тайёрлаш ва уларни жойлаштириш усуллари, PR-коммуникациялар моделлари каби бир қатор долзарб мавзуларда амалий машғулотлар ўтилди.

Шунингдек, семинар-тренинг доирасида журналистлар билан ахборот хизматлари ходимлари ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Ислам Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортининг янги учиби келиш залига пресс-тур ҳам уюштирилди. Тадбирда «Тошкент-АЭРО» иختисослаштирилган божхона комплекси бошлиғи Раваш Тажиев пойтахт аэропортида хизмат олиб бораётган божхона ходимларининг фаолияти, бу ерда йўловчилар учун ташкил қилинган шарт-шароитлар билан батафсил таништирди.

Пресс-тур вақтида Россиянинг Нижневартск шаҳридан учиб келган самолёт Тошкент халқаро аэропортига келиб кўнди ва биз йўловчиларнинг қанча вақтда чиқиб кетишига гувоҳ бўлдик.

— Иш юзасидан Россиянинг қўллаб-қувватлаш хизмати сафарига боришимга тўғри келади, — дейди бухоролик йўловчи Дилшод Хафизов. — Кейинги 7-8 ойдан буён аэропортимиздан чиқиб кетиш анча осон бўлиб қолди, яъни 15-16 дақиқада ташқарида кутиб турган яқинларимиз олдида бўламиз. Бизнинг аэропортимиз ҳам чет давлатлардагидек хизмат кўрсата бошлагани одамни хурсанд қилади.

Ноила МАРУПОВА

O'ZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV Muslihidin Farrux HAMROYEV
 Ulug'bek VAFOYEV MUHIDDINOV
 Saidkamol XODJAYEV Ochilboy RAMATOV

Tat'yana KISTANOVA
 (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonasi — 233-65-45
 Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
 Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80.
 E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
 Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
 Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
 Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.
 «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 738. 6958 nusxada bosildi.
 Nashr ko'rsatkichi — 220.
 t — Tjorat materiallari
 O'zA yakuni — 21:43.
 Topshirilgan vaqti — 23:50

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Nurullo OSTONOV
 Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

Gazetaning elektron sahifasiga Utlash uchun QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.